
Мини футбол бўйича ДХХ кубогига старт берилди

Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб, юртимизнинг ҳар бир гўшасида мини-футбол бўйича ДХХ кубоги мусобақаси ўтказилиши белгиланган. Бугун мини футбол бўйича ДХХ кубоги мусобақасининг туман босқичи очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда туман Секторлар раҳбарлари, Давлат хавфсизлик хизматининг бўлинмаси вакиллари, туман спортни ривожлантириш бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими раҳбари ҳамда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва туманнинг 71 маҳалласидан ташриф буюрган ёшлар мини футбол жамоалари иштирок этишди. Тадбир очилишида сўзга чиққанлар туман ёшларига старт берилган мини футбол мусобақаларида омад тилади. Маълумот учун, 4 та сектордаги маҳаллалар ўртасида футбол мусобақалари бошланади ва сектор фойлиблигини қўлга киритган жамоалар туман биринчилиги учун кураш олиб борадилар.

2022-04-23 06:25:37